

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

МАВЛОНОВ АКМАЛХУЖА ЮСУПОВИЧ

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА АХБОРОТ-
КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(божхона органлари мисолида)**

12.00.12 – Коррупция муаммолари (юридик фанлар)

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Мавлонов Акмалхужа Юсупович

Коррупцияга қарши курашишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш (божхона органлари мисолида)3

Mavlonov Akmalkhuja Yusupovich

Improving the organizational and legal basis for the use of information and communication technologies in the fight against corruption (using the example of customs authorities) 25

Мавлонов Акмалхужа Юсупович

Совершенствование организационно-правовой основы использования информационно-коммуникационных технологий в борьбе с коррупцией (на примере таможенных органов) 43

Эълон килинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

МАВЛОНОВ АКМАЛХЎЖА ЮСУПОВИЧ

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА АХБОРОТ-
КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(божхона органлари мисолида)**

12.00.12 – Коррупция муаммолари (юримдик фанлар)

**Юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/Yu658 (2024.1.PhD/Yu658) рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.proacademy.uz) ва “Ziynet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Тиллабаев Мирзатилло Алишерович юридик фанлар доктори, профессор Бобоев Миршод Муротович юридик фанлари бўйича фалсафа доктори
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил 25 декабрь куни соат 15-00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел. (+99871) 202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (52-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел.: (+99871) 202-04-96.

Диссертация автореферати 2024 йил 13 декабрь куни тарқатилди.
(2024 йил 13 декабрдаги 18 - рақамли реестр баённомаси).

М.Т.Турғунов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси в.б., юридик фанлар доктори, доцент

Ш.И.Шайзаков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

М.А.Аминжонова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда божхона органларининг харидлар ва солиқларни йиғиш, чегараларнинг химоясини таъминлаш ҳамда қонуний савдога ёрдамлашиш каби учта асосий вазифаси мавжуд¹ бўлиб, Бутунжаҳон божхона ташкилоти (World Customs Organization)нинг 2022-2025 йилларга мўлжалланган Стратегик Режаси IV бўлими (Strategic Layers) FA1 (Технология ва инновациялар) қисмида соҳада коррупцияга қарши курашишда божхона тартиб-таомилларини рақамлаштириш, маълумотларни таҳлил қилиш, ахборот алмашиш ва инновацион ишлаш усуллари орқали “мобил божхона”га ўтиш, SMART (хавфсиз, ўлчанадиган, автоматлаштирилган, хавфни бошқаришга асосланган ва технологияларга асосланган) чегараларни куришга ҳаракат қилиш, хавфсиз, самарали ва инновацион ечимлар билан қўллаб-қувватланган халқаро савдо занжирларига асосланган тўғри экотизим яратиш назарда тутилган.² Бу мақсадга эришиш учун божхона органларида коррупцияга қарши курашишда ахборот-коммуникация технологиялари (кейинги ўринларда АКТ деб юритилади)дан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш, тижоратни осонлаштириш, хавфлар бошқарувини яхшилаш ва бож йиғишни самарали амалга ошириш учун соҳада рақамли муҳитни босқичма-босқич жорий қилиш зарурати юзага келмоқда.

Жаҳонда божхона органлари тизимида турли илғор технологияларни, масалан, маълумотлар таҳлили, сунъий интеллект ва сканерланган тасвирларни таҳлил қилиш имкониятлари кенг муҳокама қилинмоқда. Айниқса, савдо ҳажми ошган ва инсон ресурслари чекланганлиги сабабли, божхона органларида самарали назорат қилиш воситаси сифатида АКТни кенг жорий этиш, божхона операциялари, масалан, юкларни кузатиш жараёнларини рақамлаштириш, солиқ-божхона электрон маълумот алмашинувини йўлга қўйиш, турли АКТ тизимлари ўртасида интеграция ва ўзаро ишлаш имкониятларини ишга солиш ва ниҳоят қонунчиликни такомиллаштириш орқали коррупцияга қарши курашиш каби тенденциялар ривожланиб бормоқда.³

Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадини назарда тутувчи “Ўзбекистон — 2030” Стратегиясининг 89-мақсадида “Transparency International” халқаро ташкилоти томонидан эълон қилинадиган Коррупцияни қабул қилиш индексида камида 50 поғонага кўтарилишга эришиш, 100 фоиз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг “коррупциядан холи қонунчилик” тамойили асосида ишлаб чиқилишини таъминлаш каби кўрсаткичлар назарда тутилди.⁴ Бу эса ўз навбатида божхона органларида коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ

¹ Communication Handbook for Customs Administrations. World Customs Organization // https://www.wcoomd.org/media/wco/global/layout/logo/wco_new_logo.png?h=74&la=en&w=366

² WCO Strategic Plan 2022-2025 // <https://www.wcoomd.org/en/about-us/what-is-the-wco/strategic-plan.aspx>

³ Қаранг: Tadatsugu Matsudaira, Jonathan Koh. Chapter 7: Customs Administration and Digitalization. 15 Jun 2022 // <https://www.elibrary.imf.org/display/book/9798400200120/CH007.xml>

⁴ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон; 29.12.2023 й., 06/23/214/0984-сон.

фаолиятни амалга оширишда рақамли тизимлар ва платформаларни жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини концептуаллаштириш ва ривожлантиришни талаб қилади. Зеро, Давлатимиз раҳбари божхона тизимини коррупциядан холи қилиш энг устувор вазифа эканини, бу соҳа бошқа давлат идораларига намуна бўлиши кераклигини таъкидлаган.⁵ Шундай экан, жаҳон инновациялари ва илғор тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда божхона органларида коррупцияга қарши курашишнинг институционал-ҳуқуқий базасини комплекс янгилаш, давлат органларининг рақамли имкониятларини ошириш, шу билан биргаликда жамоатчилик манфаатларини кўзлаб, янги технологияларнинг шаффофлиги, ҳисобдорлиги ва ахлоқий талаблар асосида кенг татбиқ этилишининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш танланган диссертация ишининг долзарблигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси (2023), Божхона кодекси (2016), “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни (2017), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2020), “Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги (2020), “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2023), “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги (2023) Фармонлари, “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2021), “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2022) Қарорларида ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ва маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Божхона органлари мисолида коррупцияга қарши курашишда АКТдан фойдаланишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари диссертация мавзуси сифатида шу кунга қадар Ўзбекистон Республикасида мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Бу ўринда, Б.Ахроров, Е.Коленко, Б.Исмаилов, У.Тухташева, В.Каримов,

⁵ Божхона тизимини коррупциядан холи қилиш – энг устувор вазифа. Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йил 17 февраль куни божхона тизимини янада ислоҳ қилиш ва коррупциядан холи соҳага айлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди (17.02.2022) // <https://president.uz/uz/lists/view/4985>

А.Расулев, М.Мамасиддиқов, М.Бобоев, У.Алоев ва Т.Кенжаев каби мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари томонидан коррупцияга қарши курашишда АКТ имкониятларидан фойдаланиш у ёки бу даражада тадқиқ қилиб ўрганилган. Бироқ, ушбу илмий тадқиқотлар кўп жиҳатдан коррупцияга қарши курашишнинг умумий асосларига бағишланган бўлиб, айнан божхона органлари мисолида коррупцияга қарши курашишда АКТдан фойдаланишнинг илмий-назарий, методологик асосларини тадқиқ этишга қаратилган яхлит монографик тадқиқотлар олиб борилмаган.

Коррупцияга қарши курашишда АКТдан фойдаланишнинг илмий-назарий, амалий жиҳатларини тадқиқ этиб ўрганиш кўпроқ ривожланган хорижий давлатларнинг олимлари ҳиссасига тўғри келади. Хусусан, Калифорния университети профессори R.Klitgaard томонидан Controlling corruption (Коррупцияга қарши курашиш), европалик олимлар Eve Sampson жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, V.Tanzi дунё бўйича коррупция: унинг сабаблари, оқибатлари ва бартараф этиш чоралари, Т.В.Andersen коррупцияга қарши курашишда электрон ҳукуматнинг ўрни, F.Lopez-Iturraea, I.Pastor Sanz нейрон тизимлар орқали давлат коррупциясини башорат қилиш: Испания мисолида, Addo, Atta & P.K.Senyo эса ривожланаётган мамлакатларда рақамлаштириш ва давлат коррупцияси: концепция ва тадқиқот дастури, Jaanus Karv электрон ҳукумат ва унинг коррупцияни камайтиришдаги имкониятлари, Haafst, Robert эса рақамлаштиришнинг коррупцияга таъсири, Goel, Nelson ва Naretta коррупция учун ахборот технологияларидан нотўғри фойдаланиш мавзуларида тадқиқотлар амалга оширилган.

МДХ давлатларида коррупцияга қарши курашишда АКТдан фойдаланишнинг умумий хусусиятлари, коррупциявий хавф-хатарларни барвақт аниқлаш ва олдини олишдаги ўрни ва аҳамияти каби масалалар Ю.Трунцевский, Э.Талапина, А.Овчинников, А.Валиахметова ва Г.Грефнинг илмий тадқиқотларида тўхталиб ўтилади.⁶

Юқоридаги асослар, танланган диссертация мавзуси доирасида илмий изланишларни олиб бориш нафақат зарурий, балки муваққил тадқиқот сифатида илк мартаба комплекс жиҳатдан илмий ўрганиш учун асос яратди. Диссертация натижалари келгусида шу каби илмий тадқиқотларга методологик асослардан бири бўлиб хизмат қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган бўлиб, “Божхона органлари мисолида коррупцияга қарши курашишда АКТдан фойдаланишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш” каби устувор йўналиш доирасида амалга оширилган (2021-2024).

⁶ Олимлар ва соҳа мутахассисларининг мавзуга алоқадор бўлган илмий тадқиқотлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси божхона органлари мисолида коррупцияга қарши курашишда АКТдан фойдаланишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

коррупцияга қарши курашишда АКТдан фойдаланишнинг ижтимоий зарурияти ва назарий асосларини таҳлил қилиш;

коррупцияга қарши курашишда АКТдан фойдаланишининг ҳуқуқий тартибга солиниши ўрганиш;

божхона органларида коррупцияга қарши курашишнинг тамойиллари ҳамда уларнинг қўлланилиши билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш;

божхона органларида коррупцияга қарши курашишда АКТдан фойдаланишнинг усуллари, эволюцияси ва ўзига хос хусусиятлари очиб бериш;

божхона органларида коррупцияга қарши курашишда АКТдан фойдаланишни тартибга солувчи қонунчиликдаги камчиликларни аниқлаш;

коррупциясиз божхона хизматини ташкил этишнинг рақамли компонентлари ва уларни ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини тадқиқ этиш;

божхона органларида коррупцияга қарши курашишда АКТдан фойдаланишнинг стратегик имкониятлари ва устувор ташаббусларини ўрганиш;

Ўзбекистон божхона органларида коррупцияга қарши курашишда АКТни тартибга солишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот объектини божхона органларида коррупцияга қарши курашишда АКТдан фойдаланишни такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини божхона органларида коррупцияга қарши курашишда АКТдан фойдаланишни такомиллаштиришга қаратилган илмий-назарий ёндашувлар, миллий қонунчилик ҳужжатлари ва амалиёти, халқаро стандарт ҳамда хорижий давлатлар тажрибаси ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Қўйилган вазифаларни ҳал этишда илмий билишнинг анализ ва синтез, мантқиқийлик, тарихий-ҳуқуқий, киёсий-ҳуқуқий таҳлил, сўров ўтказиш, амалиёт материалларни таҳлил қилиш ва бошқа усуллардан фойдаланилган. Мазкур усулларнинг барчаси маълум даражада диссертация тадқиқоти натижаларининг аниқлиги ва асосланганлигини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига тўлиқ риоя этиш ҳамда божхона тизими фаолиятида очиклик принципларига амал қилиш даражасини оширишга қаратилган Божхона хизмати органлари фаолиятининг очиклиги концепциясини қабул қилиш зарурати асослантирилган;

коррупциясиз божхона хизматини яратиш, унинг ахборот тизимларини сунъий интеллект элементлари билан бирлаштириш, коррупция хавфи

моделларини баҳолаш асосида божхона расмийлаштируви жараёнларини рақамлаштириш ва божхона органларида коррупциявий хавфи юқори бўлган лавозимларни эгаллаб турган ходимлар фаолиятини тизимли мониторинг қилишнинг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш зарурияти асослантилган;

Божхона кўмитаси кадрлар хизматининг фаолиятини соддалаштириш ва автоматлаштириш, назорат тизимини ўрнатиш ҳамда фаолиятига тегишли турли хиллардаги таҳлилларни яратиш, вакант лавозимларни қисқа фурсатларда муносиб номзодлар билан жамлаш, ходимларга тегишли бўлган барча ҳужжатларнинг юритилишини тўлиқ электрон кўринишга ўтказиш ва ҳисоботларни қисқа фурсатларда бажаришни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиш зарурияти асослантилган;

ҳалқаро аэропортлар орқали ҳаракатланувчи йўловчилар бўйича авиакомпаниялар томонидан олдиндан тақдим этилган маълумотлар асосида йўловчилар томонидан олдиндан содир этилиши мумкин бўлган хавфларни аниқлаш ва уларни минималлаштиришнинг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш зарурияти асослантилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: коррупцияга қарши курашиш соҳасида АКТдан фойдаланишни такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини илмий-назарий жиҳатдан такомиллаштириш мақсадида “Божхона ходими” автоматлаштирилган ахборот тизими, “Е-Транзит” автоматлаштирилган ахборот тизимининг “Авто” модули, Е-Транзит” автоматлаштирилган ахборот тизимининг “Темир йўл” модули, “cargo.customs.uz” электрон хизмати, “Божхона органлари хизматида коррупциявий хавф-хатарларни электрон баҳолаш” автоматлаштирилган ахборот тизими, “Божхона ва юк операциялари” автоматлаштирилган ахборот тизими, “Юк операциялари” электрон хизмати, “Масофавий божхона назорат” автоматлаштирилган ахборот тизими ҳамда “Яшил энергия” автоматлаштирилган ахборот тизими моделларининг таснифи ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни 28-моддасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахсларни ва уларнинг яқин қариндошларини ҳимоя қилишнинг қонуний асосларини жорий этиш тақлифлари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сонли қарорида коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тузилмаси раҳбарларининг давлат ташкилотлари томонидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан биргаликда ўтказиладиган очиқ танлов асосида ишга қабул қилиниши, уларни лавозимидан озод этиш масаласи Агентлик билан келишилиш тартиби ва ушбу тузилманинг асосий вазифалари ишлаб чиқилган;

коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини самарали ташкил этишда юзага келаётган муаммоларнинг таҳлили асосида Коррупцияга қарши

ички назорат (комплаенс) тизимини жорий этиш бўйича (2021 йил) ва Коррупцияга қарши ички назорат (комплаенс) тизимини жорий этиш бўйича қўлланмалар (янги нашр) (2022 йил) ишлаб чиқилган;

давлат ташкилоти раҳбарлари томонидан ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилотда коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини самарали ташкил этмаганлиги учун маъмурий жавобгарликни белгилаш бўйича таклиф ишлаб чиқилган;

коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тузилмаси ходимларининг малакасини ошириш мақсадида Коррупцияга қарши илмий-тадқиқот ва таҳлил марказини ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот миллий қонунчилик нормалари, халқаро стандартлар, ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси, социологик тадқиқотнинг анкета, интервью шаклларига асосланган, статистик маълумотлар таҳлили, ҳуқуқни қўллаш амалиётдаги муаммоларни аниқлаш, уларни ечишга йўналтирилган ҳаракатлар моделининг методик хусусиятга эга тавсиялар орқали синовдан ўтказилган, тадқиқот натижалари божхона тизими фаолиятининг самарадорлигига таъсир этишга қаратилган тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Тадқиқ этилаётган масала бўйича 26 та муаллифлик гувоҳномалари олинган ва диссертацияга илова қилинган. Тадқиқот натижалари синовдан ўтказилган ҳамда республиканинг етакчи миллий нашрлари ва халқаро журналлар, илмий-амалий конференциялар тўпламларида чоп этилган. Ваколатли давлат органлари томонидан натижаларнинг жорий қилиниши бўйича далолатномалар билан тасдиқланган ва қонунчилик ҳужжатлари ҳамда амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг **илмий аҳамияти** шундаки, унда келтирилган илмий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгусидаги илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, коррупцияга қарши курашиш соҳасида АКТ тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаш-тириш билан боғлиқ янги илмий тадқиқотлар ўтказишда, шунингдек, “Коррупция муаммолари”, “Коррупцияга қарши курашишда АКТ дан фойдаланиш” каби модулларни ўқитишда, ўқув жараёнларида маъруза, семинар ва амалий машғулотлар ўтказишда ҳамда ўқув, ўқув-услугий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг **амалий аҳамияти** шундаки, унда илгари сурилган илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришда, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда, давлат божхона органларининг коррупцияга қарши курашишга масъул ходимлари учун АКТ имкониятларидан фойдаланиш бўйича методологик асосларни яратишда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Божхона институти тингловчилари, олий таълим муассасалари талабалари учун илмий ва услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда ҳамда ўқув жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот асосида олинган натижалар қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига тўлиқ риоя этиш ҳамда божхона тизими фаолиятида очиқлик принципларига амал қилиш даражасини ошириш таклифлари асосида “Божхона хизмати органлари фаолиятининг очиқлиги концепцияси”ни ишлаб чиқишда фойдаланилиб, Божхона қўмитасининг 2022 йил 18 июндаги 145-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг 2024 йил 21 август кунги 6/05-24-00362-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши божхона органлари фаолиятида очиқлик сиёсатининг янада такомиллаштирилишига хизмат қилган;

коррупциясиз божхона хизматини яратиш, унинг ахборот тизимларини сунъий интеллект элементлари билан бирлаштириш, коррупция хавфи моделларини баҳолаш асосида божхона расмийлаштируви жараёнларини рақамлаштириш ва божхона органларида коррупциявий хавфи юқори бўлган лавозимларни эгаллаб турган ходимлар фаолиятини тизимли мониторинг қилиш юзасидан билдирилган таклифлар “Коррупциявий хавфларни бошқариш” ахборот тизими ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг 2024 йил 21 август кунги 6/05-24-00362-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши божхона расмийлаштируви жараёнларини рақамлаштириш ва божхона органларида коррупциявий хавфи юқори бўлган лавозимларни эгаллаб турган ходимлар фаолиятини тизимли мониторинг қилиш ишларини самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

Божхона қўмитаси кадрлар хизматининг фаолиятини соддалаштириш ва автоматлаштириш, назорат тизимини ўрнатиш ҳамда фаолиятига тегишли турли хиллардаги таҳлилларни яратиш, вакант лавозимларни қисқа фурсатларда муносиб номзодлар билан жамлаш, ходимларга тегишли бўлган барча ҳужжатларнинг юритилишини тўлиқ электрон кўринишга ўтказиш ва ҳисоботларни қисқа фурсатларда бажаришни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиш таклифлари асосида “Божхона ходими” ахборот тизимини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг 2024 йил 21 август кунги 6/05-24-00362-сон далолатномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши божхона фаолиятини соддалаштириш ва автоматлаштириш, кадрлар сиёсатида шаффофлик ва объективликни таъминлаш, кадрлар билан ишлаш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини самарали қўллаш имконият яратган;

Халқаро аэропортлар орқали ҳаракатланувчи йўловчилар томонидан олдиндан содир этилиши мумкин бўлган хавфларни аниқлаш ва уларни минималлаштиришнинг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш таклифлари “Масофавий божхона назорат” ахборот тизимини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги

Божхона кўмитасининг 2024 йил 21 август кунги 6/05-24-00362-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши республиканинг халқаро аэропортларидаги божхона чегаралари орқали ҳаракатланувчи йўловчилар бўйича авиакомпаниялар томонидан олдиндан тақдим этилган маълумотлар асосида йўловчилар томонидан содир этилиши мумкин бўлган хавфларни олдиндан аниқлаш ва уларни минималлаштириш ҳамда божхона қонун ҳужжатлари бузилишини олдини олишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманларда (5 та халқаро, 4 та республика) муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш, шу жумладан, халқаро журналларда 5 та, ОАК рўйхатидаги илмий журналларда 2 та илмий мақола, халқаро конференцияларда 5 та, миллий конференцияларда 4 та тезислар шаклида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг тузилиши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишинининг **кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишларига мослиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Божхона органларида коррупцияга қарши курашишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг назарий-ҳуқуқий асослари ва тамойиллари”** номли 1-бобида коррупцияга қарши курашда АКТдан фойдаланишнинг зарурати ва назарий асослари, божхона органларида коррупцияга қарши курашишда АКТдан фойдаланишининг ҳуқуқий тартибга солиниши, коррупцияга қарши курашишда шаффофлик тамойили ва уни божхона органларида қўлланилиши билан боғлиқ масалалар ўрганилган.

Диссертант давлатнинг коррупцияга қарши ҳуқуқий сиёсати энг аввало, жинойтчиликка ва коррупцияга қарши курашишда энг янги технологиялардан фойдаланиш имконини берадиган илмий-техникавий тараққиёт ютуқларига боғлиқ эканлигини асослаган ҳолда “Электрон ҳуқумат” воситалари ва замонавий технологияларни жорий этиш Ўзбекистондаги коррупцияга қарши

курашишнинг муваффақиятини таъминловчи муҳим омил эканлиги ҳақида хулосага келади. Шу билан бирга таҳлилларга асосланган ҳолда рақамли эволюция жараёнини ҳуқуқий тартибга солишда ҳаддан ташқари шошқалоқликка йўл қўймаслик, ортиқча “тартибга солиш”, “қоидалар билан ортиқча юкларни кўпайтириш” рақамли технологиялар ривожини секинлаштириши мумкинлиги ҳақидаги хавотирлар ўринли эканлигини таъкидлайди.

Муаллиф муайян соҳани компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш кабилар ўрнини босқичма-босқич рақамлаштириш боса олишини, рақамлаштириш орқали коррупцияга йўл бераётган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, олдини олиш ва таҳлил қилиш учун кенг имкониятлар яратилиши мумкин, деган хулосага келади. Унинг фикрича, рақамли муҳит нафақат маълумотларга рухсатни сезиларли даражада осонлаштириши, балки коррупциявий алоқалар, муносабатлар, мансабдор шахслар томонидан товламачилик ҳақидаги маълумотларни алмашиш имконини беради. Рақамлаштириш, биринчи навбатда, оддий ёки кундалик коррупцияни, шунингдек, қисман ўрта даражадаги коррупцияни йўқ қилишга ёрдам бериши ҳақида хулоса қилиш имконини беради.

Рақамли технологиялар фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнларини сезиларли даражада тезлаштириши ва осонлаштириши нуктаи назаридан АҚШ, Буюк Британия, Канада, Германия, Польша, Австралия тажрибасидан келиб чиқиб, давлат ва жамиятнинг коррупцияга доир энг долзарб ва ўтқир муаммоларини аниқлаш ва олдини олишда электрон петицияларни ижобий ҳолат сифатида баҳолайди.

Диссертант рақамли технологияларнинг коррупцияга таъсирини ўрганиш бўйича махсус тадқиқот олиб борган Mohamed Mahmoodнинг коррупция даражасини пасайтириши мумкин бўлган қуйидаги 4 та асосий омил: шаффофликни ошириш; ҳисобдорликни ошириш; “ўртадаги одам”ни истисно қилиш; фуқаролар ва давлат хизматчилари ўртасидаги масофани қисқартиришни қўллаб-қувватлаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни 4-моддасига коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари сифатида давлат бошқаруви тизимини рақамлаштиришни киритиш мақсадга мувофиқ, деган хулосани илгари суради.

Шу билан бирга тадқиқотчи рақамли технологиялар коррупцияга қарши курашда асосий ва ягона механизм сифатида қаралмаслиги лозимлиги, зеро, коррупцияга қарши курашиш кўп жиҳатдан давлат мафкурасига, унинг ҳуқуқий сиёсатига, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти кабиларга ҳам боғлиқ бўлиши ҳамда мазкур курашда рақамли технологияларнинг мутлақлашуви тоталитаризмнинг янги, энг даҳшатли турини – “рақамли концлагер”ни яратиши мумкинлиги ҳақидаги хавотир мавжуд эканлигини таъкидлайди.

“Transparency International” халқаро ташкилоти томонидан эълон қилинадиган Коррупцияни қабул қилиш индексида камида 50 поғонага кўтарилишга эришиш, 100 фоиз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг

“коррупциядан ҳоли қонунчилик” тамойили асосида ишлаб чиқилишини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда божхона органларида коррупция-нинг асл сабабларини аниқлаш ва уни бартараф этиш учун қонунчиликни ислоҳ қилиш ва АКТ тизимларини янгилаш билан бир қаторда божхона тартиб-таомилларини стандартлаштириш ва соддалаштириш, ходимлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва уларни ротация қилиш (алмаштириш, ўзгартириш, қандайдир лавозимда навбатма-навбат бўлиш) каби чоралар устувор йўналиш бўлиши кераклиги асослангандир. Диссертант божхона соҳасида коррупцияни олдини олиш ва бартараф этишнинг асосий стратегияларидан бири – “ягона дарча” тизимларини жорий этиш эканли-гини асослангандир ҳолда WCO (Халқаро божхона ташкилоти), IMF (Халқаро валюта фонди) ва UNCTAD (БМТнинг савдо ва тараққиёт конференция) мазкур тизимни мансабдор шахсларнинг ихтиёрини камай-тириш ва ҳисобдорлигини ошириш воситаси ҳамда божхона коррупциясини қисқартириш учун керакли восита, деб тан олганлигини кўрсатади.

Диссертантнинг фикрича, Филиппин, Грузия ва Қатар божхоналарида “ягона дарча” тизимининг жорий қилиниши орқали коррупцияни камай-тиришга муваффақ бўлинди. Чунки бу тизимлар мансабдор шахслар ва миждорлар ўртасидаги юзма-юз мулоқотларни сезиларли даражада камай-тириш, божхона органларининг шаффофлигини ошириш ва тегишли маълумотларга киришни енгиллаштириш, шунингдек барча жараёнларнинг электрон аудити орқали божхона органларининг ҳисобот бериш жараёнларини кучай-тириш. Бироқ тадқиқотчи автоматлаштириш ва “ягона дарча” тизимини жорий этиш ўз-ўзидан божхонада коррупцияга қарши тўлиқ ечим бўлиб хизмат қилмаслигини, коррупцияни комплекс тарзда бартараф қилиш учун улар бошқа чора-тадбирлар билан бирга амалга оширилиши керак, деган хулосага келади.

Юридик адабиётлар таҳлилидан келиб чиқиб, диссертант турли мамлакатларда давлат бошқарувини рақамлаштириш тарқоқ, тизимсиз ва қарама-қарши йўналишлар асосида ривожланаётганлигини, соҳага оид ўрганилган 46 та тадқиқотнинг 18 тасида коррупцияга қарши курашиш мақсадида рақамлаштириш стратегик хусусиятга эга эканлиги, 5 тасида рақамлаштириш илғор тажрибага асосланганлиги аниқланган. Муаллиф мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишда рақамли технологияларни жорий этиш бўйича комплекс миллий стратегияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, коррупцияга қарши кураш бўйича кучли тергов ва ижро ваколатларига эга бўлган мустақил назорат ташкилотини яратиш каби муҳим хулосаларни илгари суради. Шу ўринда маълумотларнинг келиб чиқишини баҳолаш, маълумотлар тўпламини синовдан ўтказиш, қарор қабул қилиш алгоритмларининг шаффофлигини ошириш, сунъий интеллект тизимларининг учинчи томон аудитини ташкил этиш, нотўғри автоматлаштирилган қарорлар учун жавобгарлик механизмларини кучай-тириш, маълумотларни манипуляция қилишга қарши ишончли киберхавфсизликни жорий этиш ва фуқароларнинг рақамли маълумотларидан нотўғри фойдаланишни олдини олиш учун махфийлик тартиб-таомилларини такомиллаштириш кабилар

мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишда замонавий АКТдан фойдаланиш борасидаги стратегиянинг асосий йўналишларига айланиши лозим.

Тадқиқот ишида очиқликка оид қонун ҳужжатларига тўлиқ риоя этиш ҳамда божхона тизими фаолиятида очиқлик принципларига амал қилиш даражасини ошириш бўйича Божхона хизмати органлари фаолиятининг очиқлиги концепциясини қабул қилиш зарурати асослантилган. Диссертантнинг фикрича, мазкур Концепция Умумий қоидалар, божхона органлари фаолияти очиқлигининг жорий ҳолати, божхона органлари фаолиятида очиқликни таъминлашнинг мақсади, принциплари ва асосий йўналишлари, Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар каби боблардан иборат бўлиши лозим. Концепцияда божхона органлари фаолиятида очиқлик индексининг асосий индикаторлари назарда тутилиши таклиф қилинади. Шу билан бирга муаллиф шаффофлик тамойили муайян чекловларга эга бўлиши лозимлигини кўрсатади. Бинобарин, ҳеч қандай чекловларсиз мавжуд бўладиган шаффофлик ўз навбатида қонунбузарлар учун ҳеч қандай оқибатни юзага келтирмайдиган хатти-ҳаракатларнинг содир этилишига сабаб бўлиши мумкин.

Диссертациянинг **“Божхона органларида коррупцияга қарши курашишда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ташкилий-ҳуқуқий муаммолар”** деб номланувчи иккинчи бобида коррупцияга қарши курашишда АКТдан фойдаланишнинг усуллари, эволюцияси ва ўзига хос хусусиятлари, коррупцияга қарши курашишда АКТдан фойдаланишни тартибга солувчи қонунчилик таҳлили ҳамда коррупциясиз божхона хизматини ташкил этишнинг рақамли компонент-лари ва уларни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари тадқиқ этилган.

Таҳлилларга таянган ҳолда, муаллиф шаффофлик ва ҳисобдорлик етарли даражада қафолатланмасдан амалга оширилаётган давлат хизматлари ва вазифаларини рақамлаштириш катта коррупциявий хавф-хатарларни келтириб чиқаришини, шундай экан, божхона органлари ахборот тизимларига босқичма-босқич сунъий интеллект элементларини жорий этиш ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга зарурат мавжуд эканлигини асослайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, божхона органлари ахборот тизимларига сунъий интеллект усуллари қўллашдаги бугунги кундаги энг такомиллаштирилган йўналишлардан бири “NLP” (“Natural language processing” – табиий тилни қайта ишлаш) усули ҳисобланади. Хитойда 2016 йилдан эътиборан роботлаштирилган божхона инспекторларини яратиш учун сунъий интеллектдан фойдаланмоқда. Диссертант бугунги кунда божхона органларида автоматлаштирилган ахборот тизимларида сунъий интеллектни жорий этган хорижий давлатлар Австралия, Хитой, АҚШ, Япония тажрибасини ижобий баҳолаган ҳолда божхона органлари томонидан маълумотлар таҳлилининг автоматлаштириш ва шубҳали фаолиятни аниқлаш учун сунъий интеллектдан фойдаланишнинг муҳимлигини қайд этади. Божхона хизмати томонидан яратилган сунъий интеллект тизими наркотик

моддалар ва бошқа ноқонуний товарлар контрабандасини аниқлаш учун бир сонияда миллионлаб тасвирларни таҳлил қилиши мумкин.

Диссертантнинг фикрича, сунъий интеллект самарадорлигини баҳолаш ва юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни аниқлаш учун бир нечта пилот лойиҳаларни бошлаш керак. Сунъий интеллект инструментини қуйидаги ахборот тизимларида қўллаш мумкин: “Божхона қиймати” ААТда – товарга мақбул божхона қийматини излаб чиқаришда; “ЭБР” ва ХБТ ААТда – товарларнинг ТИФ ТН коди, божхона қиймати, миқдори, имтиёз ва ставкалар тўғри белгиланганлигини аниқлашда; “Е-тижорат” ААТда – товарларнинг ТИФ ТН коди, божхона қиймати, миқдорини яширмаганлиги каби йўналишларда қўллаш имконини беради.

Шунингдек, сунъий идорк инструментини қуйидаги ахборот тизимларини такомиллаштиришда қўллаш мумкин: барча ахборот тизимларида – сканер ҳужжатларни ҳақиқийлигини аниқлашга, улардаги маълумотларни ахборот тизимидаги маълум бир майдонлардаги рақам ва белгилар билан солиштиришга имкон яратади; “Авто”, “Темирйўл”, “Е-транзит” ва бошқа рентген тасвирларини қайта ишлайдиган ахборот тизимларида рентген тасвирларини ва сканер қилинган ҳужжатдаги товарлар миқдорини солиштириш, шунингдек контрабанда товарларини аниқлашда қўлланилиши мумкин; Чегара божхона постларини махсус камералар ва турникетлар билан жиҳозлаш орқали ҳар бир ҳаракатланувчи фуқаро учун бошқа ахборот тизимларидан олинган маълумотлар таҳлили, шунингдек, фуқаронинг багажи бўйича рентген тасвирлари ҳамда фуқаронинг турникетгача бўлган ҳаракатларини қайта ишлаш орқали аниқ хавфларни аниқлаш ва уларни божхона назоратидан ўтказиш самарадорлигини ошириш орқали чегара божхона постларидан фуқаролар ҳаракати тезлигини бир неча баробарга ошириш имкони яратилади.

Тадқиқот ишида диссертант коррупцияга қарши курашишда АКТдан фойдаланишни тартибга солувчи қонунчиликни таҳлил қилар экан, коррупция ҳолатлари билан бевосита боғлиқ бўлган кибержиноятлар учун жавобгарликни ҳуқуқий тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштиришга эҳтиёж мавжуд, деган хулосага келади. Шунингдек, рақамли далилларни тўплаш, киберкриминалистика таомиллари, терговни издан чиқаришга қаратилган бузиб киришга уринишларни суд орқали таъқиб қилиш ва онлайн каналлар орқали ноқонуний ўтказилган активларни қайтариб олишга қаратилган нормаларни қонунчиликда мустаҳкамлаш вақти келди.

Диссертант тадқиқот ишида коррупциясиз божхона хизматини ташкил этишнинг рақамли компонентлари ва уларни ҳуқуқий тартибга солиш масалаларига тўхталиб, божхона ходимларини бошқаришда аттестация комиссияси муҳим звено эканлигини, у ҳар бир ходимнинг профессионал сифатларини баҳолашда шу ходимнинг ташқи савдо операцияларини бошқаришдаги фаолиятини ҳисобга олишини таъкидлайди. Бироқ бугунги кунда божхона хизматининг бутун ҳаёт цикли интеграллашган ахборот тизимлари билан қамраб олинганлиги, ушбу вазифалар инсон омилини чеклаган ҳолда, автоматлаштирилган режимда ташкил этилганлигини

инобатга олган ҳолда қуйидаги жараёнларни рақамлаштириш таклифини илгари суради:

- божхона хизмати ходими томонидан ташқи савдо товарларини божхона расмийлаштируви жараёнида божхона тўловларини нотўғри ҳисоблаб чиқишга олиб келадиган ноқонуний қарорлар қабул қилинганда, уларни сунъий интеллект билимлари базаси асосда аниқлаш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш;

- божхона расмийлаштируви пайтида бир неча бор хатога йўл қўйган божхона ходимларининг мукамал электрон рўйхатини юритиш;

- ташқи савдо товарларини божхона кўригидан ўтказиш жараёнида қониқарсиз фаолият кўрсатган ва самарадорликка эришмаган ходимлар рўйхатини шакллантириш;

- ташқи савдо товарларини божхона расмийлаштируви жараёнида хатога йўл қўйган божхона ходимларига нисбатан самарали ва профилактика чораларини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш;

- ротация, иш ҳақи ва ходимларни юқори лавозимларга тайинлашда адолат тамойилларига риоя қилишни рағбатлантириш;

- яширин коррупция схемаларини аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган сунъий интеллектнинг ахборот-техник платформани ишлаб чиқиш;

- божхона органлари сафидаги коррупциявий элементларни йўқ қилиш ва соғлом ижтимоий муҳит даражасини оширишга қўмаклашиш;

- аниқланган коррупциявий хавфни бартараф этиш ва келажакда уларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш жараёнини зарур ахборот билан таъминлаш;

- божхона органларининг мавжуд куч ва воситаларидан оптимал фойдаланиш бўйича ахборот-техник платформа ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Диссертант тадқиқот ишида Божхона қўмитаси кадрлар хизматининг фаолиятини соддалаштириш ва автоматлаштириш, назорат тизимини ўрнатиш, вакант лавозимларни қисқа фурсатларда муносиб номзодлар билан тўлдириш, ходимларга тегишли бўлган барча ҳужжатларнинг юритилишини тўлиқ электрон кўринишга ўтказиш ва ҳисоботларни қисқа фурсатларда бажаришни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиш заруриятини асослантирган. Бинобарин, “Божхона ходими” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали божхона органлари штат бирликлари ҳисобини юритиш, уларни жамланганлигини назорат қилиш; божхона ходимларини хизматга қабул қилиш, хизматни ўташ ҳамда хизматдан бўшаш (нафақага чиқиш) ҳисобини юритиш; божхона ходимларига махсус унвонлар бериш, ротация қилиш ва аттестациядан ўтказиш муддатларини автоматлаштирилган ҳолда ҳисоблаш; ходимларни қайси лавозимга захирага киритилганлигини ва қайси лавозимга тавсия этиш мумкинлигини автоматлаштириш; рағбатлантирилган ва интизомий жазога тортилган ҳамда амалдаги интизомий жазоси бўлган ходимлар ҳисобини юритиш; кадрлар хизматининг фаолияти устидан назорат қилиш ва ходимларнинг фаолиятига оид маълумотларни автоматик тарзда

таҳлил қилиш; ходимларнинг объективкаси ҳамда яқин қариндошлари тўғриси-даги маълумотларни ҳамда уларга тегишли ҳужжатларнинг электрон нусхаларини тизимга киритиш ва юклаб олиш имконияти яратилади.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш масалалари”** деб номланган учинчи бобда божхона органларида коррупцияга қарши курашишда АКТдан фойдаланишнинг стратегик имкониятлари ва устувор йўналишлари, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тизимида АКТни жорий қилиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари тадқиқ этилган.

Тадқиқотчининг фикрича, бошқа хорижий давлатлар тажрибасида бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам коррупцияга мойил бўлган соҳаларни ҳисобга олган ҳолда АКТнинг илғор таҳлилларини жорий қилиш тақозо этилади. Мисол учун, божхона назорати остидаги товарларга нисбатан божхона ва юк операцияларини электрон бошқариш, божхона ва юк операцияларини рақамли трансформация қилиш орқали божхона назоратини ташкил этишда инсон омилини қисқартириш муҳим йўналишлардан ҳисобланади. Шу мақсадда “Божхона ва юк операциялари” автоматлаштирилган ахборот тизими ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш муҳимдир. “Божхона ва юк операциялари” ахборот тизимининг асосий мақсади божхона назорати остидаги товарларга нисбатан божхона ва юк операцияларини электрон бошқариш; юк операцияларида божхона органи мансабдор шахсининг мажбурий қатнашишидан қисман воз кечиш; товар-лар ҳаракати ҳисобининг назорати йўқолишини олдини олиш; божхона назорати ва расмийлаштируви жараёнларига сарфланадиган вақтнинг сезиларли даражада қисқартирилишига эришиш; ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига кенг қулайликлар яратишдан иборат бўлиши керак.

Диссертант мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг маълумотлар базаларини боғлайдиган ва хавфсиз интеграциялашган АКТ тизимларини яратиш масаласини долзарб деб ҳисоблайди. Хорижий давлатлар (Бразилия) тажрибаси шуни кўрсатадики, молиявий разведка, солиқ органлари ва коррупцияга қарши кураш агентликлари ўртасида порахўрлик жиноятига қарши курашиш борасида биргаликда таҳлилий ишларни амалга ошириш учун рақамли платформалар яратилган. Бундай АКТ тизимлари маълумотлар асосида коррупция ҳодисаларига тезкор жавоб бериш имкониятини таъминлаб, ҳуқуқни қўллаш имкониятларини кучайтиради, мураккаб идоралараро текширувларни кузатиш ва мувофиқлаштиришни осонлаштиради. Мамлакатимиз божхона органларида ҳудудий божхона бошқармалари раҳбарияти, Божхона назоратини ташкил этиш, Контрабандага қарши курашиш ҳамда Шахсий хавфсизлик бўлимлари (шўъбалари) ходимлари ўртасида маълумот алмашувини таъминлаш имконияти яратилган бўлса-да, бироқ ахборот тизимлари ўзаро интеграция қилиниб, “Юридик ва жисмоний шахслар–Божхона пости–Ҳудудий божхона бошқармаси–Божхона қўмитаси” асосидаги занжирли боғланиш назоратининг ўрнатилишини коррупцияни олдини олишдаги муҳим воситалардан бири сифатида

баҳолайди. Қолаверса, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, қонун ҳужжатлари узилишларининг, шу жумладан коррупцияни олдини олиш, уларни аниқлаш ва чек қўйиш каби бир қатор асосий вазифаларини амалга оширишда божхона иши соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишни жадаллаштириш тақозо этилади.

